

2019 йилда Ислом дунёси пойтахтлари танланди



15:45 / 30.11.2018 4144

Тунисда бошланган Ислом мамлакатлари Маданият вазирлари конференциясида Тунис, Қуддус, Шри Бҳагаван ва Биссау шаҳарлари 2019 йилда Ислом дунёси маданияти пойтахтлари сифатида танланди, деб хабар беради IQNA.

Тадбирда ISESCO Бош директори Абдулазиз ибн Усмон Тажири, Баҳрайн маданият ишлари бошқармаси бошлиғи ва бир қатор ислом мамлакатлари маданият вазирлари ва вакиллари иштирок этган.

Маълум бўлишича, 2019 йилда Ислом дунёси пойтахтларини танлаш учун ISESCO дастурлари доирасида Тунис, Қуддус, Шри Бҳагаван бандаргоҳи ва Биссау (Гивиня пойтахти) шаҳарларида ислом дунёси маданияти

пойтахти тантаналари ўтказилади.

28 ноябрь куни ўз ишини бошлаган Ислон мамлакатлари маданият вазирлари конференциясида Ислон ҳамкорлик ташкилотига аъзо 57 та давлатнинг маданият вазирлари, қатор маҳаллий ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирок этишмоқда.

Islom.uz портали таҳририяти